

Рабиъул аввал ойида юз берган тарихий воқеа



08:57 / 25.10.2021 2253

Ҳижрий 2 йил, рабиъул аввал ойи (мил. 623 йил сентябр) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан икки юз киши ҳамроҳлигида Қурайшнинг Умайя ибн Халаф Жумаҳий бошлиқ юз кишилик, икки минг беш юз туядан иборат карвонига қарши йўлга чиқдилар. Разво ноҳиясининг Бувот деган жойигача бордилар ва бирон ёмонликка дуч келмасдан Мадинага қайтиб келдилар (бу Ислom тарихида «Бувот» ғазоти деб аталади);

– Курз ибн Жобир Фихрий бошлиқ мушрикларнинг кичик бир гуруҳи Мадина яйловларига босқин уюштириб, мусулмонларнинг чорва молларидан бир қисмини ҳайдаб кетганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етмиш нафар саҳоба билан уларнинг ортидан қувиб чиқдилар ва Бадр ноҳиясининг Сафавон водийигача бордилар. Бироқ Курзнинг

гуруҳини топа олмай ортларига қайтдилар (бу Ислон тарихида «Сафавон», «Биринчи Бадр» ва «Кичик Бадр» ғазоти деб аталади).